www.ishonch-doverie.uz

2011-yil 17-fevral № 21 (2902) payshanba

# Ishonch

Insonga naf keltirish – oliy baxt

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

**Мохият**

*Мен ўрта синф деганда, нафақат ўзининг, айни пайтда оиласи ва фарзандларининг тақдири ва келажагини шу замин билан узвий боғлаган, шу юртда бойлик топиш ва шу юртни бойитиш мақсадида тер тўкиб меҳнат қилаётган инсонларни кўз олдимга келтираман.*

Ислом КАРИМОВ

## Янги кун янгиликлари

**Наманган**

Наманган туманидаги Хонобод ва Нўғайқўрғон ҚФЙлари ҳудудида жорий йилда янги уйлар қуриш режалаштирилган.

Айни кунларда кўрсатилган ҳудудлардан 4,5 га ер майдонига 60 та уй қуриш учун ҳужжатлар тайёрланмоқда. Ушбу коттежларнинг ҳар бири 85 млн. сўмдан белгиланиб, уларнинг бошланғич бадал маблағи 1 млрд. 275 млн. сўми мижозлар томонидан тўланди.

Шунингдек, Поп туманида 20 та коттеж учун Неъматжон қишлоғидаги «Зарбдор» ММТП ҳудудидан 2 га ер майдони ажратилиб, қурилиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

**Бухоро**

Бухоролик тадбиркор Ориф Тўраев бошқараётган «Амир транс сервис» масъулияти чекланган жамияти «Агробанк»нинг шаҳар бўлимидан олган кредити эвазига Самарқандда ишлаб чиқарилаётган «Isuzu» автобусидан 10 та харид қилди. Ушбу автобуслар айни кунларда Бухоро шаҳрининг «Аэропорт Аҳоли шаҳарчаси» 1-йўналишида қатнаб, аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда.

«Чордухтарон» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Шариф Маҳмудов ҳам корхонаси ҳисобидаги 8 та янги «Isuzu» билан «Карвон бозор Аҳоли шаҳарчаси» 4-йўналишида хизмат кўрсатишни бошлаб юборди. Яқин кунлар ичида мазкур МЧЖ яна 8 та замонавий автобусни янги йўналишларга чиқаришни режалаштирган.

**Қашқадарё**

Қарши шаҳри яқинида жойлашган Парғуза қишлоғида яшовчи Ёқуб Йўлдошев «Йўлдош ота» хусусий корхонасини ташкил этгач, Миллий банкнинг вилоят бўлимидан 40 млн. сўм миқдорида кредит олиб, 40 сотих майдонда иссиқхона барпо этган эди. Ҳозир бу ерда ҳосилдор бодринг ва помидор ниҳоллари баравж ўсмоқда.

Исроил технологияси асосида томчилатиб суғоришни йўлга қўйган тажрибали деҳқон бозорларга янги узилган экологик тоза маҳсулотлар етказиб беряпти.

— Бир сотих ердан олган даромадимиз беш миллион сўмга тўғри келяпти, — дейди Ё.Йўлдошев. — Келгусида 60 сотих майдонда ана шундай замонавий иссиқхона қуришни режалаштирганмиз.

**Жиззах**

Асрор Исаев Бахмалдаги «Чубар» ҚВПда врач бўлиб ишлайди. У яқинда оила аъзолари билан барча қулайликка эга бўлган янги уйга кўчиб ўтди.

Ғаллаоролдаги «Пахраж», Фориштдаги «Ухум», Янгиободдаги «Учтурғон», Жиззах туманидаги «Ардахшон» ҚВП врачлари ҳам янги уйларда ҳовли тўйлари ўтказишди.

Шунингдек, Арнасойдаги «Қозоғистон», Зафароддаги «Тинчлик», Зоминдаги «Қизилой» ҚВП врачларига турар-жойлар харид қилиниб, капитал таъмирлаб берилди.

*Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш ўғил-қизларнинг ҳар томонлама соғлом камол топишида муҳим аҳамият касб этади.*



## Кичкинтойларнинг ҳар бир куни мазмунли

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 71-мактабгача таълим муассасасида 387 ўғил-қиз тарбияланади. Боғчанинг тажрибали тарбиячилари болаларнинг ҳар бир куни мазмунли ва самарали ўтиши учун ўқув машғулотларини қизиқарли ўйинлар шаклида олиб боришга, уларнинг иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқариш учун таълим-тарбиянинг ноанъанавий усулларидан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Боғчада барча кичкинтойлар рақс ва спорт тўгаракларига жалб қилинган.

Суратларда: боғчанинг ёш футболчилари; боғчанинг ёш раққосалари.
Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар

*2011 йил – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили*

# Тараққиётнинг муҳим омили

**Савдо ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси Зиёдулла Худойбердиев билан суҳбат**

***— Зиёдулла ака, суҳбатимиз аввалида шаҳар кенгаши ҳақида қисқача маълумот бериб ўтиш жоиздай, назаримда...***

— Ҳозирги кунда кенгашимиз тасарруфида 2168 та (115 таси қўшма) корхона бўлиб, уларнинг асосий қисми нодавлат сектори ташкилотлари ҳисобланади. Аъзолар сони 48 минг 594 нафарни ташкил этади. 4 та туман кенгашимиз (Миробод, Мирзо Улуғбек, Олмазор, Шайхонтоҳур) мавжуд. 7 та туманда вакиллигимиз бор. Биргина 2010 йилда касаба уюшма аъзолигига нодавлат секторига мансуб 186 та корхона 4374 нафар ходими билан жалб этилди.

***— Агар бир йилда ўртача шунча корхонада касаба уюшмаси тузилаётган бўлса, йиллар нисбатига кўра юқоридаги рақамлар кам эмасми?***

—Тўғри, лекин баъзи кичик ташкилотлар фаолиятининг қисқалиги ёки рақобатга чидаш беролмаслиги ҳисобига йўқотишлар ҳам бўлиб туради. Ишимизнинг мураккаб томони ҳам шунда. Бу эса, ўз навбатида, касаба уюшма афзалликларини тушунтиришда қатор муаммоларга сабаб бўлаётир. Ҳолбуки, жамоа шартномаси нафақат ходим, балки раҳбар учун ҳам бирдай керакли. Бугунги кунда 707 та жамоа шартномаси тузилган. Ўйлайманки, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили тадбиркорлар қатори бизнинг фаолиятимизни ҳам бундан-да юқори поғонага кўтариш учун катта имкониятлар яратади. Зиммамиздаги масъулиятни тўла ҳис қилган ҳолда жорий йилга мўлжалланган иш режамизни ишлаб чиққанмиз.

***— Фаолиятнинг муваффақиятли юритилишида қилинган ишлар сарҳисоби муҳим ўрин тутади. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури асосида кенгаш томонидан амалга оширилган ишлар хусусида тўхталсангиз...***

— Йиллик иш режа асосида дастурнинг мақсади, мазмуни ва аҳамияти тўғрисида кенг тушунтириш ишларини олиб бордик. Ҳар бир корхона, ташкилот ва муассасада конференция, семинар ва давра суҳбатлари ташкил этилди. Масалан, туман ҳокимликлари, солиқ идоралари, «Маҳалла» жамғармаси, Тошкент шаҳар маънавият-тарғибот маркази ҳамда йирик тадбиркорлар билан ҳамкорликда қатор тадбирлар уюштирилди. Юнусобод туман теннислар кортида бўлиб ўтган йиғинда 150 дан зиёд иштирокчи қатнашган бўлса, Сергели туманидаги семинарда 98, Ҳамза туманидаги семинарда 187 нафар иштирокчи ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Болалар ва ёшлар ҳаётини кўргазмалар орқали тарғиб қилиш мақсадида касаба уюшма маблағлари ҳисобидан «Лиана Трейдинг» қўшма корхонасига қарашли «Суғдиёна-Сойлиқ» болалар соғломлаштириш оромгоҳи Баркамол авлод йилига бағишланган кўргазмали баннерлар билан таъминланди. Ёзги мавсумда меҳнаткашларнинг 627 нафар фарзандига 124 млн. 838 минг сўмлик йўлланма берилди.

Ёшлар онгида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, маънавий дунёқарашни ўстириш, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш, уларни турли иллатлар таъсиридан ҳимоялаш, айни пайтда она Ватанга муҳаббат руҳида камолга етказиш борасида ҳам салмоқли ишлар қилинди.

Ҳисобот даврида билимдон, ёш кадрлардан 361 нафари касабақўм ва ташкилотчиликка сайланди. Шунингдек, ёшлар ўртасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш мақсадида ҳам бир талай хайрли ишлар амалга оширилди. Мисол учун, «Ҳамза баракали замин» МЧЖда 38 та, «Ўзполимер» МЧЖда 10 та, «Кланд Колд Шарқ» ХКда 5 та, «Севар мебел» МЧЖда 7 та янги иш ўрни яратилди.

***— Жорий йил режалари...***

— 2011 йилги иш режамизга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг V Қурултойи қарорларидан келиб чиққан ҳолда белгилаб олинган вазифалар, касаба уюшмаси бюджети ва давлат ижтимоий суғурта бюджетининг бажарилиши, туманлар корхона ва ташкилотларида жамоа шартномаларини тузиш ва мазкур ҳужжат орқали меҳнатни муҳофаза қилишга доир олиб борилаётган ишлар назорати, шунингдек, ҳар йили олиб борилиши лозим бўлган бошқа ишлар киритилган. Айни пайтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини юритаётган ташкилотларни касаба уюшмаларига янада кенгроқ жалб қилиш юзасидан изланишлар олиб боришимиз лозим.

«Ishonch» мухбири
Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ
суҳбатлашди

*Ҳамкорлик*

*Аввал хабар қилганимиздек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг қўшма қарорига мувофиқ, водий вилоятларида бир кунлик ҳудудий семинарлар давом этмоқда. 15 февралда Наманган вилоятида семинарнинг навбатдаги қисми бўлиб ўтди.*

# Семинар давом этмоқда

Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил якунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган маърузалари муҳокамаси йиғилишнинг асосий мавзуси бўлди.

Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари Бирлашмаси мажлислар залида ўтган семинарни Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ таълим бўлими мудири М.Самарходжаева кириш сўзи билан очди. Маърузачи ўз сўзида касаба уюшма ташкилотлари фуқаролик жамияти институти сифатида етакчи куч бўлиши лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Кейинги сўз навбати Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати О.Юнусовага берилди. Нотиқ мамлакатни бошқаришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли тобора ортиб бораётганлигини таъкидлаб, бу борада касаба уюшма ташкилотлари олдида турган муҳим вазифаларга тўхталди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш бўлими мудири М.Исаев ўз сўзида ижтимоий шерикчилик тамойилларига амал қилиш, ҳамкорликни кучайтириш, меҳнаткашлар манфаатларини биринчи ўринга қўйишга эътибор қаратди.

Йиғилишда, шунингдек, Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари Бирлашмаси раиси П.Паязовнинг меҳнат муҳофазаси ва ҳуқуқий кафолатлар мавзусидаги маърузаси тингланди.

Семинарда вилоят ҳокимлиги, касаба уюшма етакчилари, вилоят прокуратураси, солиқ қўмитаси, халқ таълими бошқармаси, хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Абдуносир ҚЎЧҚОРОВ

**«Ishonch»га жавоб берадилар**

## Табиий газ билан таъминланди

***Ўртачирчиқ тумани Ўртасарой қишлоғида яшовчи К.Турсуматов ва бошқаларнинг табиий газ таъминотида бўлаётган узилишлар тўғрисидаги аризаси туман прокуратураси томонидан мутахассис жалб қилган ҳолда ўрганилди.***

Аниқланишича, Ўртасарой ҚФЙ ҳудуди аҳолисини 2010-2011 йилларда газ билан таъминловчи «Бектемир» газ тақсимлагич ГРСдан Ўртасарой, Тошлоқ, Наврўз маҳаллалари 19 км. масофада жойлашган. ГРСдан табиий газнинг чиқиш босими 4,5 кг/см2 бўлганлиги боис, қишлоқ аҳлига газ етиб келмаган.

Текшириш асноси «Тошкентгазтаъминот» унитар корхонаси томонидан «Бектемир» ГРСдан табиий газнинг чиқиш босими 6 кг/см2га кўпайтирилиб, қишлоқ аҳолиси табиий газ билан тўлиқ таъминланди.

Н.ЮНУСОВ,
Ўртачирчиқ туман прокурори вазифасини бажарувчи, адлия маслаҳатчиси

*Ислоҳот одимлари*

# Аср мўъжизаси

Марказий Осиёда тенги йўқ гигант корхона — Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи истиқлолимиз шарофати туфайли барпо этилди. Калий ўғитларининг ўзимизда ишлаб чиқарилиши бир томондан тупроқ унумдорлигини қарийб 60 фоизга ошириш, иккинчи томондан, катта миқдордаги валютани тежаш имконини беради. Чунки қишлоқ хўжалигининг калийли ўғитларга бўлган эҳтиёжи бир йилда ўртача 110 минг тоннани ташкил қилади. Ваҳоланки, заводнинг йиллик ишлаб чиқаришининг биринчи босқичи 200 минг тоннага тенг. Тадқиқотларга қараганда, 2012 йилга қадар калий ўғитларнинг жаҳон бозоридаги баҳоси ҳар йили ўртача 6 фоизга ошиб боради.

Тепақўрғон туз конида 215 миллион тоннадан ортиқ силвинит бўлишига қарамай, тоғ остида 250-700 метр чуқурликда ётган калий тузлари қатламига етиб боришга имкон йўқ эди. Юртбошимиз ташаббуси билан бу ишга муайян миқдорда маблағ ажратилиб, энг тажрибали лойиҳачилар ва пудратчилар ҳамда замонавий технологиялар жалб қилинди.

Заводнинг режим ва кадрлар бўйича директор ўринбосари А.Ўринов ва ходимлар бўлими бошлиғи И.Пардаевнинг таъкидлашича, иккинчи босқичда коллежни битираётган 1500 нафар мутахассисни танлов асосида ишга қабул қилиш режалаштирилган.

Соҳиб РАЖАБОВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси

## Азиз муштарий!



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг фаолияти билан боғлиқ турли ҳужжатлар ва янгиликлар, мамлакатни ривожлантириш, янгилаш, модернизация қилиш, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикчиликни амалиётга татбиқ этиш ва такомиллаштириш борасидаги фаолияти сизни қизиқтиришига ишонамиз.

Кўп сонли юртдошларимизнинг хоҳиш-истакларига биноан нуфузли жамоат ташкилотининг ҳаётига доир янгиликлар эндиликда тезкор равишда http://sfp.uz веб-сайтига жойлаштирилмоқда.

Веб-сайтга ташриф буюринг ва жараёндан доимий равишда хабардор бўлинг.

Ishonch
2011-yil 17-fevral № 21 (2902)

## Қишлоқдан дараклар

### Жонкуяр ишбилармон

***Бир пайтлар ташландиқ ҳолатда ётган 16 сотих ер ташаббускор тадбиркор М.Раҳмонов қўлига ўтди-ю, файзли гўшага айланди-қолди. 16 маҳалла, 720 та хўжалик яшайдиган қишлоқ учун Файзиобод маҳалла гузари қад ростлай бошлади.***

Бешариқ шаҳрида бундай ишбилармонлар кўп. Шулардан яна бири тадбиркор Ю.Аминжоновдир. Унинг ҳомийлигида 60 миллион сўм маблағ сарфланиб, кўримсиз ҳолга келиб қолган «Шодлик» истироҳат боғи қайта таъмирланди. Боғ яқинидаги сув ҳавзаси ёнига эса «Эртаклар шаҳарчаси» қурилди. Мустақиллик хиёбони атрофидаги майдон кўркам сайилгоҳга айлантирилди.

**Улуғбек ИБОДИНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

### Қулайлик

***Бойсун туманининг Шўрсой қишлоғи тоғли ҳудудда жойлашган. Бу ерда 150 дан ортиқ хонадон истиқомат қилади. Ўтган йили ажратилган 34 млн. сўмлик маблағ эвазига қишлоққа тоза ичимлик суви қувурлари тортиб келинди. Бундай қулайлик қишлоқ аҳли оғирини енгиллаштиряпти.***

Умуман, 2010 йилда Сурхондарё вилоятида 164 километр узунликда қувурлар тортилиб, 33 та қишлоқ аҳолисининг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжи қондирилди. Соҳага йўналтирилган 1,6 млрд. сўмлик маблағ ўзлаштирилди.

* * *

### Узоғи яқин бўлди

***Қумқўрғон туманидаги «Навбаҳор» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 3600 нафардан зиёд аҳоли Ёнбош ва Обоқли қишлоқларида бир оила фарзандларидек яшаб келмоқда.***

Ушбу қишлоқларни «Шеробод машина магистрал» канали ажратиб туради. Уларни туташтириб турган кўприк кейинги 2-3 йил мобайнида яроқсиз ҳолга келиб қолган, одамлар бир-бирларининкига 16-20 километр йўл босиб, канални айланиб ўтишга мажбур бўлишарди.

Фаоллар бу оворагарчиликка чек қўйиш мақсадида кўприкни ҳашар йўли билан қайта таъмирлашди.

— Халқимизда, азалдан йўл созлаган ва кўприк қурганлар савобга қолади, деган нақл бор. Шунинг учун ҳам кўприкни ҳашар йўли билан қайта тиклашга жазм этдик. Натижада, аҳолимизнинг узоғи яқин, ташвиши енгил бўлди, — дейди «Навбаҳор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Нарзулла Холмўминов.

**Рустам ДАВЛАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

### Гуллаётган диёр

***Қишлоқлар жамоли — юрт камоли саналади. Шу боис ҳам маҳалла, гузарлар инфратузилмаси кундан-кунга такомиллашмоқда.***

Биргина Нарпай туманида ўтган йил поёнида бу борада талай ибратли ишлар амалга оширилди. Хусусан, Косагарон ҚФЙда 50 ўринли замонавий қишлоқ врачлик пункти, Мирбозор қўрғони, Кўк ота қишлоғи ва Мангит қишлоқларида битта ер ости қудуғи ва 3,5 километр тоза ичимлик суви тармоғи, Янгировот қишлоғида 1,2 километр сув тармоғи фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 1991 йилгача қурилган 10 та кўп қаватли уй таъмирдан чиқарилди.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

### Қишлоқда иш ўринлари

***Саноат корхоналари барпо этиш ҳисобига янги иш ўринлари яратиш лойиҳасига мувофиқ, ўтган йили Бахмал туманида 50 та корхона ишга тушди. Шу тариқа туманнинг олис қишлоқларида 200 дан ортиқ доимий иш ўрни яратилди.***

«Нур» фермер хўжалигида «Агробанк»дан олинган 25 млн. сўмлик кредит ҳисобига Жанубий Корея технологияси асосида мева-сабзавотни қайта ишлайдиган корхона иш бошлади.

* * *

### Обод маҳалла

***Туман ҳокими қарорига кўра, Пахтакор шаҳридаги «Дилором», «Самарқанд», «Олтинкўл», «Тошкент» маҳалла фуқаролар йиғинлари учун хизмат кўрсатувчи алоҳида бинолар ажратилди.***

Айни вақтда ҳовлилар ободонлаштирилиб, мевали, манзарали дарахт ҳамда гул кўчатлари ўтқазилмоқда.

**Абдуманнап АЗИМОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

*Касаба уюшма аралашуви билан*

## Айримларнинг ўзи хон қўланкаси майдон эмаслиги ҳақида

***Гоҳида ишинг юришмай қолса ёки ноҳақликка учрасанг, дунё кўзингга тор кўриниб кетади. Гулистон шаҳар Ғалаба кўчасидаги 13-хонадонда яшовчи Наргиза Зоирова ҳаётида ҳам шундай воқеа содир бўлди.***

Наргиза Ширин энергетика ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежини электроэнергетика йўналиши бўйича тугатиб, 2007 йилдан Сирдарё юқори кучланишли электр тармоқлари бўлинмасида ижро назорати бўйича нозир вазифасида фаолиятини бошлади.

2008 йилда иккинчи фарзанди Замира туғилгач, уни тарбиялаш учун 2 йиллик таътилга чиқди. Турмуш ўртоғи Заур Зоиров ҳеч қаерда ишламаётганлиги ва ёш оила иқтисодий жиҳатдан қийин аҳволга тушиб қолганлиги туфайли у 2010 йилнинг 26 март куни иш жойига борди. Ўша куниёқ корхона раҳбарияти унинг иш ўрни қисқартирилганини билдирди. Бундан Наргиза лолу ҳайрон: ахир, икки ёшгача бўлган фарзандини парваришлаш учун таътилга чиққан аёлни ишдан бўшатишга кимнинг ҳадди сиғди?

У корхона маъмуриятига мурожаат этиб, бир хил рад жавобини олди. Қизиғи шундаки, Наргизага кадрлар бўлимида яна бир йил ўз ҳисобидан меҳнат таътилига чиқишни таклиф этишди. Табиийки, моддий жиҳатдан қийналиб қолган икки нафар фарзанднинг онаси бунга кўнмади.

Ахийри, унга нуфузли жамоат ташкилоти — касаба уюшмаларига бориб, ўз аҳволини тушунтиришни тавсия этишди. Тасаввур қилинг, неча кунлаб асабийлашиш, қабулхонада турли даражадаги раҳбарларнинг қош-қовоғига тикилиш...

Шундан сўнг, Наргиза Зоирова Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашига мурожаат этди. Тармоқ касаба уюшма ҳуқуқшунослари Х.Зайниддинов, Ж.Цой аризани ўз жойида ўрганиб чиқишди ва Н.Зоированинг меҳнат ҳуқуқи поймол этилганлигини аниқлашди. Аризачининг илтимоси қондирилди.

**Неъмат РАФИҚОВ,**
**«Ishonch» мухбири**



*Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий армиямизни ислоҳ қилиш борасидаги ишлар юксак самаралар бериб, армияда хизмат қилиш йигитларимиз учун шарафли ишга айланди. Мустақиллик ёшларимиз учун миллий армиямиз сафларида ўз йигитлик бурчини ўташ, энг муҳими, озод ва обод Ватанимизнинг янада равнақ топиши, халқимизнинг фаровон ҳаёт кечириши, оиласи, яқинларининг тинч ва осойишта яшаши учун муносиб ҳисса қўшиш имконини берди.*

*Суратда: катта лейтенант Санъат Худойберганов ҳарбийга чақирилувчилар билан*

**Ёлқин ШАМСИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат**

*Етакчи минбари*

***Касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ходимлар учун хавфсиз меҳнат шароити яратишдир. Бунда жамоа шартномасида акс этган меҳнат қонунларининг бажарилиши муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.***

## Меҳнат муҳофазаси эътиборда

Ходимларимизни ҳар йили бепул тиббий кўрикдан ўтказиш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароити ва муҳофазаси юзасидан доимий назорат ўрнатилган.

Қулай иш шароити яратиш мақсадида мактабимиз биноси капитал реконструкция қилинди. Замонавий мебел, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компютер техникаси ва спорт анжомлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Меҳнат қонунчилиги, ходимларга яратилаётган иш шароитлари каби долзарб масалалар касаба уюшма қўмитаси йиғилишида кўриб чиқилиб, қабул қилинган қарорлар ижроси таъминланмоқда.

Вилоят тармоқ касаба уюшма кенгашининг «Мактабда меҳнатни муҳофаза қилиш» услубий қўлланмаси дастуруламал бўлиб хизмат қиляпти.

Жамоамизда меҳнат муҳофазаси бўйича вакил (география фани ўқитувчиси Ш.Нурмонов) фаолият кўрсатмоқда. Касаба уюшма ташкилоти қошидаги беш кишидан иборат меҳнатни муҳофаза қилиш комиссияси иш режасига мувофиқ бутун жараённи назоратга олган.

Муассасамизда «Меҳнатни муҳофаза қилиш бурчаги» ташкил этилган бўлиб, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун асосида ҳар бир ходим ўз касби бўйича кўрсатмалар тизими билан таништириб борилади.

Ўтган ўқув йили якунига кўра, меҳнат муҳофазаси бўйича эришган ютуқларимиз учун шаҳар тармоқ бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландик.

**Шоира АНОРМЕТОВА,**
**Жиззах шаҳридаги 7-умумий ўрта таълим мактаби бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси**

*Касаба уюшма ҳаёти*

### Хайрли ташаббус

***Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиалида иқтидорли талабалардан тузилган «Бунёдкор ёшлар» клуби ўтган йили олис қишлоқларда аҳолининг компютер саводхонлигини ошириш мақсадида семинарлар ўтказишган эди.***

Бу йил ҳам талабалар Хўжайли туманидаги 1-Меҳрибонлик уйида ана шундай ўқув-семинар ташкил этишди.

Филиалнинг 3-босқич талабалари, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази Қорақалпоғистон бўлими аъзолари Қ.Салатдийнов ҳамда А.Қодировнинг «Дастурлаш тиллари, сайт ишлаб чиқиш жараёнлари ва уларнинг аҳамияти», «Бошловчилар учун компютер саводхонлигини ошириш» мавзуларидаги ахборот соатлари тарбияланувчиларда катта таассурот қолдирди.

Семинар якунида ТАТУ Нукус филиали касаба уюшма ташкилоти томонидан топширилган совғалар болажонларга олам-олам қувонч улашди.

**Н.РАИМОВА,**
**Қорақалпоғистон Республикаси алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси**

### Боғ-роғга бурканади

***Айни кунда Термиз-Тошкент йўналишидаги халқаро йўлнинг ҳар икки тарафида янги боғ-роғлар барпо этилмоқда. Хайрли ишда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг ходимлари фаол иштирок этишяпти. Термиз шаҳри ва Ал-Ҳаким ат Термизий зиёратгоҳи оралиғидаги катта йўл ёқаларига ҳар бир касаба уюшма фаоли 20 тупдан кўчат ўтказди.***

Тадбирда Таълим ва фан ходимлари, Агросаноат мажмуи ҳамда Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Сурхондарё вилоят кенгашлари, шунингдек, Савдо ходимлари ва тадбиркорлар, Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Сурхондарё вилоят вакилликлари бошқаларга намуна бўлишди.

**Ўз мухбиримиз**

### Аъзолик билети топширилди

***Бухоро солиқ коллежида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга доир мавзуларда тадбирлар ўтказиш анъанага айланган.***

Яқинда бўлиб ўтган «Фуқароларнинг бурчлари, ёшлар олдида турган вазифалар ҳамда касаба уюшма аъзолигининг афзалликлари» мавзуидаги йиғилишда Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилоят вакиллигининг бош мутахассиси Р.Аҳмедова маъруза қилди.

Тадбирда тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоят вакили Норжон Бозорова ўқувчиларга янги нусхадаги касаба уюшма аъзолик билетларини тантанали равишда топширди.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

### Ҳар кимнинг ўз ниҳоли...

***Жомбойликлар касаба уюшмаларининг кўчат экиш, боғ яратишдек хайрли ташаббусига қўшилиб, янги боғлар яратишга киришдилар.***

Найман, Зарафшон, Қудуқли, Бешбола, Кўкгумбаз каби маҳаллалар аҳли бу савобли ишда алоҳида ўрнак кўрсатмоқда. Оқсоқоллар, фаоллар ҳамда ёшлар 10 минг тупдан ошиқ мевали дарахт кўчатлари ўтқазишди. «Ҳар кимнинг ўз ниҳоли бўлсин», дея ташаббусга қўшилган аҳоли кўкаламзорлаштириш ишларида фаол иштирок этишаяпти.

**Лола ТОҒАЕВА,**
**Таълим ва фан ходимлари Жомбой туман бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси**

### Мактабда – тадбиркорлик

Хатирчи туманида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»: Давлат дастури бўйича кенг қамровли ишлар бошлаб юборилган. Бундай сафарбарликдан ҳатто таълим муассасалари ҳам четда қолгани йўқ. Янги йил арафасида тумандаги 7- умумтаълим мактабида 2 сотихдан ошиқроқ майдонда янги иссиқхона барпо этилганди. Бугун бу ерда полиз ва сабзавот экинлари етиштирилмоқда. Энг муҳими, даргоҳда ўқувчиларнинг меҳнатга ёшликдан кўникма ҳосил қилишларига имкон яратиб берилган. Келгусида бу ташаббус бутун муассасалар бўйлаб қулоч ёйиши кўзда тутилмоқда.

**Турдиназар ЖЎРАЕВ,**
**Таълим ва фан ходимлари Хатирчи туман бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси**

# Тармоқ ходимларига имтиёз

**Таълим ва фан ходимлари Марҳамат туман бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Нурмуҳаммад Сарболаев билан суҳбат**

***— Ишчи-ходимларнинг мурожаатларига «лаббай» деб жавоб бериш, ишни қонунлар доирасида ижобий ҳал этиш касаба уюшма ташкилотлари нуфузини оширишда муҳим рол ўйнайди. Суҳбатимизни ана шу масала ечимидан бошласак.***

— Аввало, шуни таъкидлашим жоизки, таълим соҳасида меҳнат қилаётган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш касаба уюшмалари аъзолигига жалб этиш, бошланғич ташкилотлар тузиш борасида сезиларли ютуқларга эришдик. Бу, албатта, ўз-ўзидан бўлгани йўқ.

Келажагини ўйлаган ҳар қандай ташкилот ўз аъзоларининг саломатлигини бирламчи вазифа деб билмоғи зарур. Ходимнинг қандай кайфиятда эканлиги меҳнатида ўз аксини кўрсатади. Ўтган йилда 42 та санаторий йўлланмалари бўйича аъзоларимиз ўз соғлиғини мустаҳкамлаб қайтишди. 1700 нафардан ортиқ таълим ходимларига Фарғона водийсининг тарихий, зиёратгоҳ ва сўлим жойларига бир кунлик саёҳат уюштирилди. Бундан ташқари, меҳнаткашларнинг 750 нафар фарзанди кундузги болалар оромгоҳларида имтиёзли дам олдирилди.

Ўтган йили бизга 50 дан зиёд, жумладан, иш ҳақи, дам олиш, имтиёзлар тўғрисида оғзаки мурожаат тушган бўлиб, ҳаммаси ижобий ҳал қилинди.

***— Ҳар бир халқнинг келажаги ёш авлоднинг қўлидадир. Улар эса ҳам ақлан, ҳам маънан етук бўлмоғи лозим.***

— Айни пайтда туман Халқ таълими бўлими тасарруфида 42 та умумтаълим мактаби ва 3 та давлат ихтисослаштирилган мактаб интернатлари бўлиб, ўқувчилар сони 25668 нафарни ташкил этади.

Таъкидлаш жоизки, Баркамол авлод йилида туман бирлашган касаба уюшма қўмитаси Ёшлар кенгаши томонидан режага мувофиқ қатор ишлар бажарилди. Жумладан, раёсат мажлисида тармоқ таълим муассасаларида ёшларга яратилган шароит масалалари ўрганиб чиқилди. Туман халқ таълими бўлимига қарашли волейбол мактабига 386 минг сўмлик ҳамда 40-умумтаълим мактабига 420 минг сўмлик спорт жиҳозлари тақдим қилинди. Ушбу жиҳозлар ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш ҳамда саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Жамоа шартномаларида ёшларга турли имтиёзлар киритилгани зиммамизга янада улкан масъулият юклайди.

***— Президентимизнинг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга юртимиздаги ҳар бир ташкилот масъулдир. Касаба уюшмалари бу йўналишда қандай ишларни амалга оширмоқда?***

— Халқимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, маҳсулот сифати, самарадорлигини оширган ҳолда таннархини арзонлаштиришда фермер ва якка тартибдаги хўжаликларга кўмаклашиш, бу борадаги тарғибот ишларига касаба уюшмалари масъул этиб тайинланган. Шу мақсадда сунъий уруғлантириш бўйича белгиланган топшириқларнинг бажарилиши юзасидан туманимизда 7 кишидан иборат мониторинг ишчи гуруҳи тузилган.

Ҳозирда туманда 10 та зооветеринария шохобчаси фаолият кўрсатмоқда. Аҳоли ўртасида сунъий уруғлантиришнинг афзалликлари тўғрисида олиб борилаётган тушунтиришлар ўз самарасини бераётир. Касаба уюшмалари томонидан одамлар гавжум жойларга, маҳалла марказларига паннолар, плакатлар осиб қўйилди. Шунингдек, маҳаллий газетада доимий равишда эълонлар бериб борилаётир. Агросаноат, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари ҳамда мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида жойларда семинарлар ташкил этилмоқда.

***— Галдаги вазифалар эса янада салмоқли бўлиб, у ҳам жиддий ёндашувни тақозо этади. Шундай эмасми?***

— Касаба уюшма йўналишида тармоқда меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини кучайтириш борасидаги ишларни янада фаоллаштириш, турли кўрик-танловлар ўтказишни давом эттириш ниятидамиз. Меҳнатни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишларда хотин-қизлар ва ёшларнинг маиший шароитларини

яхшилашга алоҳида аҳамият берамиз. Шу билан бирга, тармоқ меҳнаткашларининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш бўйича Марҳамат туман халқ таълими бўлими ҳамда таълим ва фан ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси ўртасида 2009-2011 йилларга мўлжалланган ҳудудий тармоқ келишуви ҳамда 57 та жамоа шартномаси қабул қилинган бўлиб, уларга асосан таълим соҳаси бўйича 5851 кишининг ижтимоий ҳимояси таъминланмоқда.

Жорий йилда ҳар бир киши 20 туп кўчат экиши ҳақидаги ташаббус барчамизни қувонтирди. Бу борада талай хайрли ишларни амалга ошириш кўзда тутилган. Шунингдек, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш, ёшларга янги иш ўринлари ташкил этиш доимий диққат марказимизда бўлади.

**Абдулҳай ЮНУСОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Бир хат изидан

# Адолат юзидаги парда



**Каттақўрғонлик Руқия Бобоева қатор ташкилотларга, шу жумладан, «Ishonch» газетаси таҳририятига ҳам шикоят хати йўллаб, ноҳақ ишдан бўшатилганини, бу муаммони ечишга ёрдам берилишини сўраган. Қонуний меъёрларга асосланиб иш юритилаётган жамоаларда муаммога ўрин йўқ. Аммо Каттақўрғон туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Саломатлик марказида нима сабабдан бу ҳолат юз берди? Маъмуриятдан ходим нега норози бўляпти?**

«2010 йил 22 ноябрда саломатлигим ёмонлашиб, 18 декабрга қадар туман шифохонаси ЭГЗ бўлимида даволандим. 18 декабр куни туман поликлиникаси кардиолог-терапевт врачи Х.Самадов билан келишиб, қўшимча даволаниш учун касаллик варақасини 2011 йил 3 январ кунигача узайтиришга қарор қилгандик. 3 январ куни касаллик варақамни ёптириб ишга чиқаман, деб ўйлагандим. Аммо даволовчи врачимга Саломатлик маркази директори Н.Ашурова мени ишдан бўшатганлиги ҳақида буйруқни рўкач қилиб, касаллик варақамни узайтириб ёпиб беришига имкон бермаганмиш, — деб ёзади Ёдгорхўжа маҳалласида яшовчи Руқия Бобоева. — Ишхонага келсам, қўлимга Саломатлик маркази директори Н.Ашурова, иш юритувчи Х.Турдиева, бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси И.Муродуллаев имзолаган буйруқни тутқазишди. Буйруқ мазмунига кўра, вазифам қисқаришга тушиб ишдан бўшатилибман. Икки фарзандли ёлғиз онаман. Қарамоғимда 1924 йилда туғилган, урушнинг 1-гуруҳ ногирони бўлган отам Жаҳонгир Бобоев яшайди. Ноҳақликдан анча азият чекдим».

Каттақўрғон туманида бўлганимизда масала ижобий ечим топганини эшитдик: Республика саломатлик ва тиббий статистика институти масъул ходими шикоятни ўрганиб, холис фикрини айтган ва хатоликни ўнглаш бўйича тавсиясини берган. Саломатлик маркази туман бўлимида бўлиб, раҳбар ва шикоятчи билан учрашдик.

— Ишимга қайтдим. Мана икки кундирки ишга келяпман, — дейди Руқия Бобоева. — Мажбурий бекор юрган кунларим учун ҳақ тўлаб берамиз, дейишяпти.

Аслида, ҳамма ишлар рисоладагидек эди. Аммо бизга тақдим этилган ҳужжатларга кўз ташлаб ҳайратимиз ошди. Келинг, яхшиси, мазкур ҳолат билан ўзингиз танишинг. Шу йилнинг 20 январ куни Саломатлик маркази бошланғич касаба уюшма ташкилоти йиғилиши бўлиб ўтади. Кун тартибига марказ ходимлари иш ўринларининг янги штат жадвалига асосан қисқартириш ҳамда марказ ҳамшираси Р.Бобоевани ишга тиклаш масаласи қўйилади. Биринчи масала юзасидан сўз олган директор Н.Ашурова Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли буйруқларига асосан штат бирликлари қисқариши ва ходимларни ёзма огоҳлантириш хусусида сўз юритади. Иккинчи масала юзасидан ҳам Н.Ашурова ҳамда туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма ташкилоти раиси У.Муҳаммадиевлар сўз олган.

Мажлис баённомасига кўра, Саломатлик маркази маъмуриятининг 2010 йил 19 ноябрда чиқарган Р.Бобоевани ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруғини бекор қилиш, унинг бекор юрган кунлари учун ҳам ҳақ тўлаш масаласи ўртага ташланади. Шу билан унга марказ директори Н.Ашурова, бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси И.Муродуллаев, котиба С.Пирматовалар имзо қўйган-у мазкур баённоманинг қарор қисми ёзилмаган. Масала кўтарилган, муҳокама этилган ва имзо чекилган. Одатда бундай йиғилишларда умумий фикрлар йиғиндиси асосида муайян қарорга келиниб, вазифа юклатилади. Аммо мазкур касаба уюшма йиғилиши баённомасига ана шундай нуқта қўйиш унутилган. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, хатоликни қайд этиш билангина чекланилган. Таъбир жоиз бўлса, мазкур ҳужжат ҳеч нимага асос бўла олмайди.

Директорнинг ишга тиклашга доир дея қўлимизга тутқазган буйруғи янада ажабланарли. Келинг, ўша буйруқни айнан келтирайлик:

«20 январ 2011 йил Буйруқ №4 § 3 Бобоева Руқия;

Туман Саломатлик маркази ҳамширалари Исмоилова Чаман ва Саъдуллаева Дилнозалар туғруқ таъ-тилида бўлганликлари сабабли 0,5 иш ўрни Исмоилова Чамандан, 0,5 ўрин Саъдуллаева Дилнозалардан олиниб, вақтинча ҳамшира Бобоева Руқияга 2011 йил 20 январдан бошлаб берилсин. Иш ўрни 1,0 штат бирлигига етказилсин.

Асос: Касаба уюшма баённомаси 20 январ, Саломатлик ва тиббий статистика институти ташкилий-услубий бўлими услубиятчи врачи Акрамова Насиба текшириш маълумоти. Директор имзоси, муҳр. Иш юритувчи имзоси».

Таажжуб, Руқия Бобоева ўз иш ўрнига тикланяптими ёки янгидан ишга қабул қилиняптими? Бу буйруқ қай бирига дахлдор? Беихтиёр ўйлаб қоласан киши. Ҳомиладорлик таътилида бўлганлар марказда маош олиб ишлаётганмиди? Нега буйруқ бундай сирли? Аслида касаба уюшма йиғилишида ҳам, комиссия маълумотномасида ҳам Н.Ашурова ўзи чиқарган 19 ноябрдаги №32 буйруқни бекор қилишга розилик билдиради. Бизга ҳам бу буйруқни бекор қилдим, дея юқоридаги ҳужжатларни тақдим этди.

— Ҳамшира Р.Бобоевага 19 ноябрдан 1 январга қадар мажбуран бекор юрган кунлари учун ҳамда 22 ноябрдан 16 декабрга қадар бўлган касаллик варақасига ҳақ тўлаб бердик, — дейди Н.Ашурова.

Сўзининг исботи сифатида бош ҳисобчи томонидан тузилган пластик карточкага ўтказилган маблағлар реестрини тақдим этди. Унга кўра, ҳақиқатан ҳам Руқия Бобоевага 229958 сўм маблағ ўтказилганлиги қайд этилган. Ҳайратланмай илож йўқ. Ҳали 19 ноябрдаги № 32 буйруқ бекор қилинмасдан 20 январдаги №4 § 3 буйруқ билан ишга қайта олинган бир шароитда, тўлов қайси қонуний асосга суяниб амалга ошириляпти? Ҳужжатбозликдаги бу чалкашлик яна муаммо келтириб чиқармасмикин?

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Ҳуқуқий сабоқлар

# Сўраган экансиз

**САВОЛ:**

***Раҳбаримиз штатингиз қисқаради, дегани учун, ўз ихтиёрим билан бўшаш ҳақида ариза ёзиб бердим. Лекин у мени уч кун ичида бошқа ишга ўтказиш тўғрисидаги ваъдасини бажармади. Ишсиз қолдим.***

**Б. ЗОКИРОВА,**
**ҳамшира, Хатирчи тумани**

**ЖАВОБ:**

Сиз меҳнат қонунини билмасликнинг қурбони бўлгансиз. Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 1-бандига кўра иш берувчи ўз ташаббуси билан ходимлар сони (штати), иш хусусиятининг ўзгариши ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан камида икки ой олдин ходимни ёзма равишда (имзо чектириб) огоҳлантириб, муддат тугагач, меҳнат шартномасини бекор қилиши мумкин.

Ходимнинг ариза бериши, бу унинг ўзининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишликдир. Ходим номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам, икки ҳафта олдин иш берувчини ёзма равишда огоҳлантириб, бекор қилишга ҳақлидир. Огоҳлантириш муддати тугагандан сўнг ходим ишни тўхтатишга ҳақли, иш берувчи эса, ходимга меҳнат дафтарчасини бериши ва у билан ҳисоб-китоб қилиши шарт. Огоҳлантириш муддати мобайнида меҳнат шартномасининг шартларини томонлар одатдаги тартибда бажаришда давом этадилар. Тарафлар келишуви бўйича белгиланган огоҳлантириш муддати давомида ходим берган аризани қайтариб олишга ҳақлидир.

Қонунда белгиланган ёки ходим ва иш берувчи келишувига кўра қисқартирилган огоҳлантириш муддати давомида ходим меҳнат шартномаси тугатилганлиги ҳақида буйруқ чиқарилган бўлишидан қатъи назар, аризасини қайтариб олишга ҳақли. Ходимнинг ўрнига бошқаси таклиф этилганлиги унга аризасини қайтариб олишни рад қилишга асос бўлмайди, чунки иш берувчи фақат аввалги ходим ўртасидаги меҳнат шартномасини бекор қилганидан кейингина, бу иш (лавозим)га бошқа ходимни таклиф қилишга ҳақли.

Огоҳлантириш муддати ўтган бўлса-да, меҳнат шартномаси бекор қилинмаган ва меҳнат муносабатлари давом этаётган бўлса, ходимнинг меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги аризаси ўз кучини йўқотади ва бу аризага кўра, меҳнат шартномасини бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинган ёки ходим ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ҳолларда, у иш берувчининг ўзи, суд ёки бошқа ваколатли орган томонидан аввалги ишига тикланиши лозим.

**САВОЛ:**

***Пенсияга чиққанлигим муносабати билан меҳнат шартномам бекор қилиняпти. Шу тўғрими?***

**Т. НОРБЕКОВ,**
**Тошкент шаҳри**

**ЖАВОБ:**

2010 йил 22 декабр кунидаги «Фуқароларнинг давлат пенсияси таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунига биноан ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги, қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлганда меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин. Бундай ҳолда иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти ҳақида ходимни камида икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириши шарт.

# «ИПОТЕКАБАНК»: аҳоли ишончи мустаҳкамланмоқда

IPOTEKA BANK

***Бугунги ҳаётимизни банксиз, молиявий муассасаларсиз тасаввур қилиш қийин. Чунки у иқтисодиётнинг асосий қон томирларидан биридир. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда бу тизимга катта эътибор берилаяпти. Банклар томонидан аҳолининг бўш пул маблағларини кенг жалб этиш, ипотека, уй-жой ва микро кредитлар ажратишга алоҳида эътибор қаратилаяпти.***

Бу борада «Ипотека-банк» АТИБнинг Юнусобод филиалида ҳам эътиборли ишлар амалга оширилаётганлигини кузатиш мумкин. Умумий капитал қўйилмалар миқдори 905 млн. 973,7 минг, аҳоли омонатлар миқдори эса 5 млрд. 776 млн. 283 минг сўмдан ошиб кетган.

— Таъкидлаш жоизки, банк томонидан 2011 йилнинг 1 январ ҳолатига аҳоли ва турли соҳалар бўйича 12 млрд. 451 млн. 14 минг сўм кредит ажратилди, — дейди банк бошқарувчи ўринбосари Ботир Назаров. — Бундан ташқари, ўтган йили 8 млрд. 300 млн. сўм миқдорида кичик бизнес субъектларига ҳамда инвестицион лойиҳаларга 2 млрд. 500 млн. сўм, озиқ-овқат товарлар ишлаб чиқаришга 700 млн. сўм ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлар ишлаб чиқаришга 3 млрд 130 млн. сўм кредит ажратилди.

Банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан уй-жой сотиб олиш ва уй-жой қурилиши учун ёш оилаларга 2011 йил 1 январ ҳолатига жами 595 млн. 500 минг сўм миқдорида ипотека кредитлари ажратилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун ЕТТБ кредит линияси орқали берилган кредитлар 2011 йил 1 январ ҳолатига жами 680 млн. 905,3 минг сўмни ташкил этди.

**Наргиза ЖЎРАБЕКОВА**

# «ЎКТАМБАНК»: БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЁТ АСОСИ

**Банк-молия тизимида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминламоқда. Шу маънода ОАТБ «Ўктамбанк»нинг корхоналарни кредитлаш имкониятларини янада кенгайтириш борасида олиб бораётган ишлари таҳсинга лойиқ.**

Жумладан, 2010 йилда кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида банк маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар миқдори 16,8 млрд. сўмни ташкил этди. Натижада, кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳисобига 150 та янги иш ўрни яратилди. 2011 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра эса кредит қўйилмалари қолдиғи 29 млрд. сўмдан иборат.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш, сифатли хизмат таклиф этишда банкнинг алоҳида тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, унга асосан янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, улар билан ички бозорни тўлдириш, шунингдек, экспорт қилиш юзасидан қўшимча шарт-шароитлар яратилди. Эътиборли жиҳати, 2010 йилда 3000 га яқин турли мулкчилик шаклидаги кичик бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликларига самарали банк хизматлари кўрсатилди.

Таъкидлаш керакки, банк тизимида тадбиркор аёллар раҳбарлик қилаётган жами 35 та хўжалик субъектига хизмат кўрсатилади. Жумладан, Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони асосида банк томонидан ўтган йили 111 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилган. Шунингдек, Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги фармонига асосан ёш оилаларга ажратилган кредитлар 102 млн. сўмни ташкил этганини ҳам қайд этиш лозим.

Ўз навбатида, банк томонидан Ўзбекистон Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Шу мақсадда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш, ички истеъмол бозорини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, асосан



қишлоқ жойларда замонавий, юқори унумли техника ва технология билан жиҳозланган қайта ишловчи ихчам корхоналарни барпо этиш, шу асосда янги иш жойларини шакллантиришга 3080 млн. сўмлик кредит ажратилди. Улар ишлаб чиқариш корхоналарида технологик ускуналар сотиб олишга йўналтирилган.

Шунингдек, Президентимизнинг 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифалар ҳам банк фаолиятида устувор йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда. Жумладан, банк мижозлари томонидан рақобатбардош, сифатли ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва турларини кенгайтиришни рағбатлантириш, ички истеъмол бозорини улар билан тўлиқроқ бойитиш, янги, маҳаллий корхоналарни ташкил этиш ҳамда мавжудларини модернизациялаш, технологик ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадида банк томонидан 830 млн. сўмлик кредит ажратилиши таъминланди. Шу ўринда «AHBOR-REYTING» Рейтинг агентлиги томонидан банкнинг миллий шкаланинг кредит рейтинги бўйича «uzb», «Барқарор» прогнози тасдиқланганини таъкидлаш жоиз.

Нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш борасида ҳам банк томонидан изчил фаолият юритилди. Яъни жисмоний шахслар ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмини ошириш, шу орқали республика молия бозорида пластик карточкаларга асосланган замонавий усулни таклиф этиш масаласига жиддий эътибор қаратилди. Хусусан, муомаладаги банк пластик карточкаларининг умумий сони 5789 тани ташкил этиб, 173 та терминал банк хизмати, савдо ва пулли хизмат кўрсатиш объектларига ўрнатилган.

Бундан ташқари, 206 та корхона ва ташкилот билан ҳамкорликда «Иш ҳақи лойиҳаси» доирасида амалга оширилаётган тадбирлар пластик карточка эгаларига банк чакана хизматлар бозорининг фаол иштирокчисига айланиш, нақд пулларни банк айланмасига жалб этиш ва уларни самарали жойлаштириш имконини бермоқда. Ушбу лойиҳага йўналтирилган банк пластик карточкалари 3095 тани ташкил қилади.

Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш борасида банк филиалларининг амалдаги телекоммуникация тармоғи кун талабига мос ҳолда ривожлантириб борилмоқда. Бу билан банкнинг Ягона ахборот тизим доирасида ички ахборот оқимини самарали бошқариш ва рационал ташкил этишга эришилди. Мижозларни жалб этувчи замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган «SMS-банкинг», «Интернет-банкинг», «Банк-мижоз» каби интерактив банк хизматлари тизимидан фойдаланиш даражаси бир неча марта ошди. 2010 йил 1 июн ҳолатига «Интернет-банкинг» ва «Банк-мижоз» тизимларида жорий қилинган мижозлар сони 100 тадан ошди. Ҳозирда «SMS-банкинг» хизматидан ҳам мижозлар фойдаланиб келмоқда.

Мижозлар билан интерактив алоқа ўрнатиш, янги жорий этилаётган хизмат турлари ҳақида ахборот олишлари учун қўшимча шароит яратишга қаратилган uktambank.uz веб-сайти доимий янгиланиб борилмоқда.

Дарвоқе, Президентимизнинг 2008 йил 20 февралдаги «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ижросига катта эътибор қаратилган. Шу мақсадда «Ўктамбанк» аҳолига миллий валютада «Болалар келажагимиз», «Жамғарма», «Комфорт», «Барака», «Файз», «Универсал», «Восток», «Капитал», «Барака-плюс», «Мўъжиза» каби омонат турларини таклиф қилиб келаётир.

**Насиба ИСМАТОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

Омон бўлинг,
МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2011-yil 17-fevral № 21 (2902)

Ўринбосарлар маскани

# «Машъал»
## болалар ва ўсмирлар футбол мактаби

Клублар инфратузилмасини яратиш, болалар футболига ғамхўрлик, терма жамоаларга муносиб ўринбосарлар тайёрлаш масалалари ўзаро уйқаш тушунчалар бўлиб, уларни айри ҳолда ажратиб кўрсатиш қийин.

Муборакнинг «Машъал» профессионал футбол клуби қошида фаолият юритаётган болалар ва ўсмирлар футбол мактаби қисқа вақт ичида тилга тушди. Ушбу масканда бугунги кунда 140 нафар ёш футболчи таҳсил олмоқда. Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси сафида Осиё ва жаҳон чемпионатида дарвозамизни ишончли қўриқлаган, айни пайтда муборакликлар жамоасининг асосий посбонига айланган Санжар Қувватов, «Насаф» аъзолари Жаҳонгир Жиямуродов, Артём Филиппосян, Ботир Қодирқулов, Лутфулла Тўраевлар «Машъал» футбол мактаби тарбияланувчиларидир.

2010 йилнинг энг яхши жамоаси деб эътироф этилган Алексей Евстафеев бошчилигидаги Ўзбекистон ўсмирлар термаси сафида ҳам беш нафар «Машъал» аъзоси Осиё биринчилиги кумуш медалларини қўлга киритди. Муҳаммаджон Абдуллаев, Юнус Очилдиев, Бобур Давлатов, Сардор Раҳмонов, дарвозабон Ғанишер Холмуродовлар қитъа биринчилигида мухлислар олқишига сазовор бўлишди.

Мамлакатимиз терма жамоаларига муносиб футболчилар тайёрлаб бераётган «Машъал» академиясидаги шароитлар барчани бирдек қизиқириши табиий. Марказий стадион атрофида олтита майсали ҳамда иккита сунъий қопламали майдон барпо этилган бўлиб, улар болалар ва ўсмирлар хизматида. Демак, ҳар қандай об-ҳавода ҳам бемалол шуғулланиш мумкин.

Бундан ташқари, 2010 йилда «Машъал» профессионал футбол клубининг бош ҳомийси — «Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонаси томонидан реконструкция қилинган Абдукарим Юлбарисов номидаги ёшлар спорт мажмуаси жисмоний тайёргарлик машқларини олиб бориш учун бериб қўйилган. Жисмоний тайёргарлик бўйича мутахассис Искандар Раҳматов жадвал асосида ёшлар билан ишламоқда. Замонавий тренажёрлар мускулларни шакллантирса, акробатик машқлар эгилувчанликни, чаққонликни маромига етказади.

Сунъий қопламали майдонда ёш футболчилар дарвозага узоқдан кучли ва аниқ зарба бериш машқини бажаришаяпти. Болалар мураббий кўрсатмасини бехато бажаришга ҳаракат қилишмоқда. Бироз кузатиб, мураббийни суҳбатга тортдик.

— 1998 йилда туғилган болалар билан ишлайман, — дея ўзини таништирди мураббий Анвар Ҳафизов. — Ўзим собиқ футболчиман. Болалигимда машғулотлар одатий ва оддий тарзда ўтиларди. Ҳозир футболчининг жисмоний тайёргарлиги, тактик ва техник маҳорати, руҳий собитлик, ҳатто одоби, хулқи бўйича ҳам алоҳида сабоқлар берилмоқда. Рости, «Машъал» футбол мактабида яратилган шароитлар менга Европа футбол академиясини эслатади.

Гуруҳимда 20 нафар ёш футболчи чарм тўп сирларини ўрганаяпти. 2010 йилда Қашқадарё болалар лигасида 1997 йилда туғилган ўсмирлар ўртасида биринчи, ноябр ойида Қозоғистонда ўтган халқаро турнирда иккинчи поғонадан жой олдик. Ўқувчиларимдан Адҳам Абдуллаев, Озод Қурбонов, Ойбек Нурматов жамоанинг етакчилари саналади.

«Машъал» клуби менежери Эркин Саидов билан футбол мактабини айландик.

— Футболчиларимиз республиканинг турли вилоятларидан, — дея маълумот берди Эркин ака. — Маҳаллий ёшлар 70 нафарни ташкил этади. Турли ҳудудлардан келганлар ётоқхонада истиқомат қилишади. Ўрта таълимни шаҳардаги мактабда олишади. Болалар ёшга қараб бир неча гуруҳларга бўлинган. Ҳар бир гуруҳга икки нафардан мураббий бириктирилган.

Селекционер мураббийларимиз эса турли мусобақаларни кузатиб, иқтидорли футболчиларни академияга жалб қилишади. Тажрибали устоз Борис Серостанов барча гуруҳларга катта мураббий саналади.

Менежер бизни замонавий жиҳозланган мултимедиа хонасига бошлади.

— Ўқувчиларимиз ўрта мактаб таълими ва футбол сабоқларидан ташқари академияда она тили ва адабиёти, рус ва инглиз тиллари, тарих, география, маънавият ва маърифат бўйича ҳам чуқур ўқитилади, — сўзида давом этди Э.Саидов. — Тилни ўрганиш ҳар бир инсон учун кенг имкониятлар эшигини очиши сир эмас. Ўқувчиларимизнинг халқаро мусобақалар чоғида рақиблар ёки учрашув ҳаками билан қийналмасдан мулоқот олиб бориши бизни хурсанд этмай қолмайди. Мултимедиа хонасида инглиз ва рус тили ҳамда компютер сабоқлари ўргатилади. Катта экранда ўйинлар таҳлил қилинади.

Синфхоналарга кирдик, озода ва ёруғ. Ювиниш ва кийиниш хоналари ҳам янгича жиҳозланган.

Ётоқхоналардаги сарištаликни айтмайсизми! Болалар спорт либосларини кийиб, навбатдаги машғулотларга ҳозирлик кўришмоқда. Бир ўспиринни суҳбатга тортамиз.

— Жавоҳир Қаршиев, Ғузор туманиданман. 1997 йилда туғилган болалар гуруҳида шуғулланяпман.

***— Шароитлар, машғулотлар ҳақида нима дея оласиз?***

— Машғулотларнинг хилма-хиллиги туфайли чарчоқ билинмайди. Овқатлари тўйимли. Ёзда Шаҳрисабз тоғларида жойлашган «Чашма» оромгоҳида дам оламиз.

***— Келажакда қайси жамоада ўйнамоқчисиз?***

— Ярим ҳимоячиман. Орзуим Миржалол Қосимов сингари яхши «плеймейкер» бўлиш. «Машъал»нинг асосий таркибида ва мамлакат терма жамоасида ўйнашни орзу қиламан.

Ошхонага ўтамиз. Бош ошпаз Саид Тагиров ёрдамчилари билан тушликка таом ҳозирлашмоқда.

— Болалар машғулотларда сарфлаган энергияси ўрнини тўлдириши учун уч маҳал тўйимли овқатлар пиширамиз. Бундан ташқари, қўқатлар, мева-сабзавотлар, турли ширинлик, шарбатлар мунтазам бериб борилади. Ошхонада нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган кичик цехимиз бор. Моҳир новвой Фотима Ҳалимова қолипли нон, булочка ва мазали пирожнийларни тайёрлаб беради, — таъкидлади бош ошпаз.

Дарҳақиқат, иссиққина нон ҳиди новвойхонани тутган, Фотима қўли қўлига тегмай нон пишираради. Бўрсилдоқ нон маҳсулотлари тайёрлаб бераётган цех «Машъал» клуби раҳбарияти ишбилармонлигидан сўзлаётгандек туюлди бизга.

Ошхонадан чиқиб, тарбиячи Анатолий Колосовскийни қизғин иш устида учратдик. У Алишер Навоий таваллудининг 570 йиллиги муносабати билан ўтказилган расмлар, шеърлар кўрик-танловига ўз хулосаларини қайд этиб қўяётган эди. Чизилган суратлар, ижод намуналарининг муаллифи клуб тарбияланувчилари бўлиб, ёш футболчиларнинг нафақат тўп тепиш, балки санъат ва адабиётнинг ҳам чин ихлосманди экани қувонарли албатта.

Мажмуа бўйлаб юрар эканмиз, турли кубок ва медаллар билан тўлган «Ютуқлар бурчаги» эътиборимизни тортди. Академия катта мураббийи Борис Серостанов 2010 йилги мусобақалар ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:

— Академиямиз тарбияланувчилари ўтган йили бир қатор халқаро, республика ва вилоят миқёсидаги мусобақаларда муваффақиятли иштирок этишди. Жумладан, март ойида Муборакда Баҳром Вафоев хотирасига бағишланган халқаро турнирда «Бунёдкор», «Пахтакор», «Насаф», «Бухоро» клубларининг 1997 йилда туғилган ўсмирлари ҳамда Туркманистондан жамоалар иштирок этишди. Мусобақада 1998 йилги таркибимиз биринчи, 1997 йилда туғилганлар иккинчи, ёш бунёдкорчилар учинчи ўринни эгаллашди. Россияда ташкил этилган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги миқёсида болалар турнирида Отажон Авазов шогирдлари кумуш медал соҳибига айланди. Иштирокимиз мутахассислар томонидан анча юқори баҳоланди. Шунингдек, олий лига жамоаларининг тайёрлов гуруҳлари ўртасида ўтган Республика биринчилигида «Машъал — 96» жамоаси кумуш медал билан тақдирланди. Ҳар бир гуруҳда 5-6 нафардан республика терма жамоаларига номзодлар бор.

«Машъал-Академия» жамоаси Ўзбекистон чемпионати биринчи лигасида тўп сурса, иккита таркибимиз иккинчи лигада. Тарбияланувчиларимиз «Машъал»нинг асосий таркибига, шунингдек, вилоятимиз клублари — «Насаф», «Шўртан» ва бошқа олий лига жамоалари таркибига қўшилишмоқда.

Бугун эътибор ва ғамхўрлик билан тарбияланаётган болалар эртага юртимиз байроғини жаҳон майдонларида юксакларга кўтара олишига бўлган ишончимиз янада ортди.

**Акмал АБДИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Бугуннинг ёшлари

**Юлдуз Файзий ўзбегимнинг иқтидорли қизларидан. У 2007 йили «Келажак овози» Республика танловининг «Бадиий ижод ва публицистика» йўналишида ғолиб бўлган.**

# Орзулар парвози

— Шундай нуфузли танловда иштирок этишнинг ўзи катта бахт. Орадан тўрт йил ўтган бўлса-да, у дамларни ҳануз соғинч ва энтикиш билан эслайман, — дейди Юлдуз. — Ҳайъат аъзоларининг мени ғолиб деб топиши ўзимга бўлган ишончни оширди. Ҳаракат, меҳнат, албатта, юзага чиқишига амин бўлдим. Бу ишонч мени бир йил ўтгач, Зулфия номидаги Давлат мукофоти номзодлигига ҳужжат топширишга ундади.

Дарҳақиқат, «Келажак овози»дан куч олган Юлдуз 2008 йилда адабиёт йўналиши бўйича Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди. Шундан сўнг унинг бирин-кетин «Кўнгил», «Мен кутган баҳор» шеърий тўпламлари чоп этилди. «Сўнмас юлдузлар» тўпламига ижодидан намуналар киритилди. 2010 йилда Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида 16 давлат шоирлари ижодидан таркиб топган «Севги фасли» номли шеърий тўплам нашр этилди. Мазкур тўпламга ўзбекистонлик ёш қаламкашлар қаторида Юлдуз Файзийнинг ҳам сара шеърлари танлаб олинди.

Ҳозирда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факултети 3-босқичида таълим олаётган қаҳрамонимизнинг турли мавзудаги мақолалари республикамиз матбуотидан жой олмоқда.

Юлдуз «Келажак овози»га бежиз муносиб топилмагани яқинда яна бир бор исботини топди. У 2010-2011 ўқув йили учун Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми ҳамда «Меҳр нури» жамғармасининг «Иқтидорли талабалар учун стипендия» дастури ғолиби бўлди. Юлдуз «Келажак овози»ни барча муваффақиятлари дебочаси, асоси деб билади.

***Эътибор ва ишонч бизга мададкор,***
***Янграйди ёшларнинг баланд овози.***
***Чорлаётган ҳаёт ойдин, беғубор,***
***«Келажак овози» — орзу парвози!***

**Шоҳсанам НИЁЗОВА**

Совриндорлар ҳаётидан

***Навоий кон-металлургия комбинатида олиб борилаётган маданий-маърифий ишлар таҳсинга лойиқ. Комбинат касаба уюшма кенгаши тасарруфида 2 та маданият саройи, 10 та маданият уйи ва клублар фаолият юритиб келмоқда. Бултур яна бир янги — «Кончи» маданият уйига асос солинди. Зармитанда қад ростлаган мазкур муассаса бошқарма ишчилари ҳамда болажонларнинг ижодий интилишлари учун хизмат қилади.***

# Довруғ таратган наволар

Ҳозирда комбинат маданият муассасаларида 200 дан ортиқ ижодий жамоа, бадиий тўгарак, 20 та амалий-ижодий жамоа фаолият юритмоқда. Улар 3600дан ортиқ болалар ва ўсмирларни қамраб олган. Ҳар йили ижодкор ёшлар орасидан юзлаб иқтидор соҳиблари аниқланяпти.

2010 йил якунида «Энг намунали маданият уйи» Республика кўрик-танловида фахрли 1-ўрин совриндорига айланган Зарафшон шаҳридаги «Олтин водий» маданият уйида амалга оширилаётган ишлар, айниқса, таҳсинга лойиқ.

— Ниятларимизнинг бирин-кетин рўёбга чиқаётганидан мамнунман, — дейди маданият уйи директори Ирина Байрагная. — Ёнимда Наталя Минченкодек уста санъаткорлар, маданият фидойиларининг борлиги менга ижодий куч бағишлайди. Балки, эшитгандирсиз. Шундай бўлса ҳам, айрим ютуқларимиз билан ўртоқлашмоқчиман.

«Афсона» халқ хореография жамоамиз Таллин шаҳрида ўтказилган халқаро фестивалда «Гран-При»ни қўлга киритган эди. «Родные истоки» халқ рақс жамоаси ҳам Прагада ўтказилган халқаро мусиқий ижодиёт фестивалида шундай эҳтиромга сазовор бўлди. «Атлас» эстрада гуруҳи эса Болгариянинг Варна шаҳридан «DISCOVERY» халқаро танлов дипломанти бўлиб қайтди. Раққоса Фарида Мамедованинг рақслари ҳакамлар ҳайъатининг махсус дипломига лойиқ топилди. «Нилуфар» вокал-чолғу ансамбли, шунингдек, «Садо» доирачилар бадиий жамоаларининг довруғи ҳам олисларга етиб борган.

**Мансур АЛОВУДДИНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Севара севган машғулот

***Ёшлар севган машғулоти билан шуғулланса, истеъдоди сайқал топиб, ижодий баркамоллик касб этаверади. Хонқа туманидаги 16-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Севара Саъдуллаева рассомчиликка ихлос қўйган ёшлардан. Устози Саодат Худойберганова у ҳақда шундай дейди:***

— Севара 1-синфдан бошлаб тўгарагимиз аъзоси. Турли йўналишларда суратлар чизишга қўли келишиб қолди. Йилдан-йилга маҳоратини оширмоқда. Хусусан, портрет. манзара, натюморт ва маиший жанрлардаги расмлари ҳаётийлиги билан ажралиб туради.

Устознинг сўзларини Севара ижод қилган кўпгина суратлар ҳам тасдиқлайди. Буни унинг кўрик-танловларда эришаётган ютуқлари кўрсатиб турибди. Чунончи, 2009 йилда «Ёшлар ижодида Наврўз» кўрик-танловида фаол иштирок этган Севара ўтган йили «Тошкент қувончлари» 3-халқаро болалар расмлар танловида маҳоратини намойиш қилди. Ёш рассом Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлик учун ўтказилган кўрик-танловнинг туман босқичида ҳам муваффақият қозонди.

— Келажакда эл назарига тушган мусаввир бўлишни истайман, — дейди у.

## Ёш ниҳол

***Шу мактабнинг 6-синф ўқувчиси Муҳаммадали Бахтиёровни ҳам санъат оламида камол топаётган ниҳолга ўхшатса бўлади. Санъаткор оиласида туғилиб камолга етаётган Муҳаммадали «Сурнай», «Мустақиллик», «Қайроқ», «Доира», «Рубоб» рақсларини маҳорат билан ижро қилаётир. Шу билан бирга устозлари ака-ука Эшжоновлардан қўшиқчилик сирларини ҳам ўрганмоқда.***

2009 йили Бухорода бўлиб ўтган фолклор фестивалида «Кўзмунчоқлар» гуруҳи сафида ўзининг «Қовун, қовунлар» рақсини ижро этиб, «Энг жозибали рақс» номинацияси ғолиби бўлди. Унинг «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали лауреатига айланиши устозлари ва отаонасига қувонч олиб келди.

## Туғма истеъдод

***Урганч туманидаги 2-умумтаълим мактабининг 5-синф ўқувчиси Мумтозбегим Абдушарипова ҳам ўз қобилияти, тиришқоқлиги билан кўпчиликни ҳайратда қолдирмоқда.***

Шеърлари вилоят, республика матбуотида чоп этилаётир. У «Кўзмунчоқлар» иқтидорли болалар ижодий гуруҳининг фаол аъзоси. Мумтозбегим «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали лауреатидир. Устози Ирина Каримова унинг келажаги порлоқлигини таъкидламоқда.

**Шарқия ЭШЖОНОВА,**
**«Тўмарис издошлари» журналист аёллар клуби қошидаги «Маҳорат мактаби» раҳбари**

*Хоразм вилояти*

Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси АСМ ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят кенгаши раиси Рўзибой Мусаевга опаси ҳамда синглиси **Ҳабибахон АҲМЕДОВА** ва **Умидахон АШУРОВА**ларнинг бевақт вафот этганликлари муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент шаҳар, Сергели тумани ҳокимияти томонидан рўйхатга олинган «ELITE FLORIA» МЧЖ Устав фондининг умумий миқдори 164 398 313 сўмдан 125 000 000 сўмгача камайтирилишини маълум қилади. Даъволар 344 12 50 (моб) телефони орқали қабул қилинади.

Insonga naf keltirish - oliy baxt
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi — Federation of Trade Unions of Uzbekistan

**Muassis:**
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

**Bosh muharrir:**
Abduxoliq Abdurazzoqov

**Tahrir hay`ati:**
Normamat ALLAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o`rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog`indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, To`lqin TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas`ul kotib), Anvar YUNUSOV

**Bo`limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-52-89
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat — 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e`lonlar — 256-87-73

**Viloyatdagi muxbirlar:**
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Samarqand + 99866 933 25 04;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99891 679 32 79;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail: ishonch 2011@gmail.com

**Nashr ko`rsatkichi:**
133

Navbatchi muharrir: T.Shernayev
Navbatchi: A. Abdullayev
Musahhih: S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teridi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma`lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -20.20

Буюртма Г — 251
21933 nusxada bosildi
ISSN 2010-5002
1 345